Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти кутубхонаси


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 52 (9.244) 1999 йил 7 май, жума ◆ Сотувда эркин нархда


*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент ислом университетини ташкил этиш тўғрисида» 1999 йил 7 апрелдаги Фармонини бажариш юзасидан, ислом динига оид бой ва ноёб маънавий-маданий меросни чуқур ўрганиш, уни асраб-авайлаш, келажак авлодга етказиш ва ушбу соҳада аҳолининг билим даражасини ошириш, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:***

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университетининг тузилмаси ва Низоми тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда, икки ой муддатда Тошкент ислом университетининг олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича давлат таълим стандартларини, ўқув жараёни учун зарур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни жаҳоннинг илғор ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси тажрибасини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

3. 1999/2000 ўқув йилига Тошкент ислом университетининг иккала факультетининг ҳар бирига талабалар қабул режаси 25 тадан давлат гранти ва 25 тадан тўлов-контракт асосида /жами 100 та/ белгилансин.

4. Тошкент ислом университетида ўқитувчи-профессорлар таркиби талабаларга 1:4,5 нисбатда бўлиши белгилаб қўйилсин.

5. Университетга моддий ва маънавий ёрдам берувчи Ҳомийлар кенгаши таркиби ҳамда университет қошидаги исломшунослик илмий-тадқиқот Маркази тузилмаси тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Олий аттестация комиссияси Университет тақдимномасига мувофиқ, олий таълим йўналишлари ва ихтисосликлари классификаторига ва илмий ходимлар мутахассисликлари номенклатурасига тегишли ўзгартиришлар киритсинлар.

7. Тошкент ислом университети, Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда университет қошидаги исломшунослик илмий-тадқиқот Маркази Низомини ва Университетни ривожлантириш жамғармаси Низомини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқласин;

ислом таълимотига оид манбалар рўйхатини тузиш, уларни жамлаш ҳамда ташкил этилган Манбалар хазинаси фаолиятини амалга ошириш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқсин ва уларнинг бажарилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси университет илмий-тадқиқот йўналишларини давлатнинг илмий-техника дастурлари рўйхатига киритсин ва устувор йўналишлар бўйича грантлар ажратишни назарда тутсин.

9. Мустақил Ватанга ва миллий истиқлол ғояларига садоқатли ҳамда исломшунослик, дин тарихи, ҳуқуқи ва фалсафаси бўйича ушбу университетнинг учинчи ва ундан юқори курс иқтидорли талабалари учун учта Имом ал-Бухорий давлат стипендияси жорий этилсин.

Мазкур стипендиянинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 февралдаги ПФ-555-сон Фармонида ўрнатилган давлат стипендиялари миқдорида белгилансин ва уларни тайинлаш Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги 157-сон қарори билан тасдиқланган «Давлат стипендиялари тўғрисида Низом ва уларни тайинлаш тартиби» асосида амалга оширилсин. Ушбу тартибга тўлдиришлар киритилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

етук мутахассисларни ишга таклиф этиш, профессор-ўқитувчиларнинг хорижий давлатларда малака оширишлари, халқаро илмий конференцияларда қатнашишлари, талабаларнинг йирик ўқув

**(Давоми 2-бетда).**



## 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

*Пиру бадавлатларимиз*



## ФАРЗАНДЛАР АРДОҒИДА

Мустақил юртимизда қилган эзгу ишлари, ибратли ҳаёт йўллари билан қадр топаётган, эл-юрт ардоғида эъзозланаётган кексаларимиз жуда кўплаб топилади. Зеро, инсонни қадрлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини яхши биламиз. Юртини қадрлаётган инсонлар бугунги кунда қадр топмоқда.

Шайхонтоҳур туманидаги Илғор маҳалласида қарилик гаштини сураётган Саиднаби ота ҳамда Фирдавсхон ая Нажмиддиновлар оиласига барча ҳавас қилади. Бу йил уларнинг турмуш қурганларига 50 йил тўлди. Бир-бирларини меҳнатда ва турмушда эъзозлаб яшаган бу отахон ва онахон 4 ўғил ва 3 қизни тарбиялаб вояга етказишди, уларга доимо она-Ватанга, қадрдон одамларга, бир-бирларига муҳаббат туйғуларини уйғота олди.

Фаровон турмушимизда маҳалланинг ҳар бир юмушида фаол бўлган Саиднаби ота ва Фирдавсхон аялар бугун фарзандлари ҳамда 30 нафардан зиёд набиралари ардоғида қадр топишмоқда. Ҳаётдан, фарзандлари камолидан мамнун ота-оналар 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунида бир олам қувонч, қалбларида ғурур билан оила аъзолари иззатида бўлишади.

**Шарифа ИЛЁСОВА.**

*СУРАТДА: Саиднаби ота ва Фирдавсхон аялар фарзандлари қучоғида.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

## ДАВР САДОСИ

*Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар*

◆ **Бугун** ва **эртага** пойтахтимиздаги «Динамо» теннис кортларида анъанавий «Ҳавас — 99» турнири бўлиб ўтади.

◆ **Кеча** Миср Араб Республикасининг Тошкентдаги Фан ва таълим маркази ва Ўзбекистон Бадиий Академиясида баҳор байрами ҳамда Аёллар йилига бағишлаб ўтказиладиган таниқли ўзбек рассоми Жўра Асран чизган асарлар кўргазмаси очилди.

◆ **Бугун** Ўзбекистон Бадиий Академияси кўргазмалар залида уруш ва меҳнат фахрийлари ижодига бағишланган «Хотира ва Қадрлаш» кўргазмаси очилади.

◆ **Эртага** — Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой халқаро куни.

### МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Тошкентда спортчиларнинг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга совғаси — кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатининг эсдалик кубогини Олимпия шуҳрати музейига топшириш маросими бўлиб ўтди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Болгария Республикаси Президенти Петар Стояновнинг рафиқаси билан бугун Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи бошланади.

◆ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида мамлакатимизга илк бор ташриф буюрган Эрон ташқи сиёсат маҳкамасининг раҳбари Камол Харрозий билан учрашуви бўлиб ўтди.

◆ Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг саккиз йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита мажлиси бўлди.

◆ Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга ошириш ва топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи республика комиссияларининг қўшма мажлиси бўлди.

◆ Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Аёллар, жамият ва касаба уюшмалари» мавзуида халқаро семинар бўлиб ўтди.

### ЖАҲОНДА

◆ Украинада шу йилнинг 31 октябрида янги Президент сайланиши билан ниҳоясига етадиган сайловолди компанияси бошланди.

◆ Чеченистонда янги Конституция лойиҳаси устидаги ишлар ниҳоясига етди. Унинг таркибига шариат талабларидан келиб чиқадиган талайгина бандлар ҳам киритилди.

◆ Молдова ҳукумати бир ойдан бери Венгриядан Яманга юк элтувчи Украина авиакомпаниясига қарашли қуролли самолётни ушлаб турибди.

◆ Тўрт ҳаваскор-спелеолог талаба ва уч коммерция қутқарув хизмати ходимлари Россиянинг Самара вилоятида жойлашган ерости ғорларидан бирида газ ҳидидан заҳарланиш туфайли вафот этди.

◆ Грузиялик ёзувчи О. Чиладзе 1999 йилги адабиёт бўйича Нобель мукофотига тавсия этилди.

◆ Италиянинг собиқ бош вазири Проди Романо Европа комиссиясининг янги раиси этиб тайинланди.

◆ **Кеча** Ла-Манш остидан ўтган Евроер ости йўлининг иш бошлаганига беш йил тўлди.

◆ **Кеча** Шотландия ва Уэльсда сўнгги 600 йил мобайнида хусусий парламентлар учун сайловлар ўтказилди.

# ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

марказларида таълим олишлари, шунингдек, чет элда чоп этиладиган даврий нашрларга обуна бўлиш, дарслик ва ўқув қўлланмаларини харид қилиш, Манбалар хазинасини тўлдириб бориш учун ҳар йили университет буюртмалари бўйича эркин алмаштириладиган валютадаги харажатларни қоплаш учун;

университет, унинг қошида ташкил этилган исломшунослик илмий-тадқиқот Маркази ва академик лицей, шунингдек, Манбалар хазинаси фаолиятини молиявий таъминлаш учун;

университетнинг ўз матбаа ва таҳририят-нашриёт базасини барпо этиш учун тақдим этиладиган ҳисоб-китобларга мувофиқ зарур маблағлар ажратсин;

11. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 апрелдаги 154-сон қарорига мувофиқ қисқартирилаётган енгил автомобиллардан иккитасини Тошкент ислом университети балансига бепул ўтказсин.

12. Тошкент ислом университети Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинадиган қонунлар ва қарорлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ва йўриқнома ҳужжатлари мажбурий тартибда тарқатиладиган ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси:

университет кутубхонасини тўлдириш учун махфий бўлмаган босма асарлар ва китоб маҳсулотининг (ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, табиий) назорат нусхаларини (2 нусхада) бепул олувчи ташкилотлар руйхатига киритсин;

университет буюртмалари бўйича ўқув-услубий ва илмий маҳсулотларининг ўз вақтида нашр этилишини таъминласин;

университетнинг ўз матбаа ва таҳририят-нашриёт базасини барпо этишга ва унинг фаолиятини ташкил этишга ёрдам берсин.

14. Ўзбекистон Республикаси давлат ва нодавлат ҳамда жамоат ташкилотларининг Тошкент ислом университетини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлари сифатида Жамғармага молиявий ва моддий-техникавий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин.

Жамғарманинг барча юридик ва жисмоний шахслар, жумладан, хорижий ташкилотлар, уюшмалар, жамғармалар ва фуқаролар учун очиқ эканлиги белгилаб қўйилсин.

15. Жамғарма барча турдаги солиқлардан ва божхона тўловларидан (божхона расмийлаштирувлари учун тўловлардан ташқари) 5 йил муддатга озод қилинсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети ва унинг таркибий тузилмалари ҳамда ётоқхонаси Тошкент шаҳар, Бобур кўчаси, 55-уй (5-сон касб-ҳунар мактаби бинолари комплекси)га жойлаштирилсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги 1999 йил 1 июлга қадар университет биноси хоналарини ўқиш жараёни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ишларини амалга оширсин ва бинони университет балансига ўтказсин.

Университет, исломшунослик илмий-тадқиқот Маркази ва академик лицейни жойлаштиришга ажратилган бинони реконструкция қилиш, уни зарур асбоб-ускуна ва мебеллар, замонавий компьютер техникаси ва телекоммуникация воситалари билан жиҳозлаш, шунингдек, дарсликлар ва ўқув-услубий адабиётлар билан таъминлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан ҳақиқий харажатлар доирасида маблағ билан таъмин этилсин ҳамда 2000 йилдан бошлаб инвестиция дастурига киритилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Тошкент ислом университетини ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказсинлар ҳамда миллий ва хорижий валютада операцияларни амалга ошириш учун университетнинг тегишли ҳисоб рақамларини очсинлар.

18. Ўзбекистон Республикаси Почта ва телекоммуникациялар агентлиги белгиланган тартибда университетни замонавий алоқа воситалари, шу жумладан, ҳукумат алоқаси ва бошқа алоқа турлари билан таъминласин.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 майдаги 175-сон қарорининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

20. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.С.Кароматов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 6 май



*Ёднома*

# ЎЗБЕК САНЪАТИНИНГ ЁРҚИН ЮЛДУЗИ

***Инсоният тарихида шундай улуғ зотлар ўтганки, уларнинг ўз халқи олдида қилган хизматлари йиллар ўтган сари қимматини янада ошириб, санъатимиз ва маданиятимиз ривожида чуқур из қолдирган ёрқин юлдуз бўлиб қолган.***

Ажойиб инсон ва машҳур актёр, жонкуяр, саҳна маданиятининг чинакам фидойиси, меҳрибон устоз Олим Хўжаев ана шундай машҳур санъат намоёндаларидан бири эди. Олим Хўжаев ўзининг 45 йиллик саҳнавий фаолияти мобайнида жаҳон классикасининг энг яхши намуналари ҳисобланган асарларида ҳамда ўзбек драматургларининг асарларида ҳам ижобий, ҳам салбий бўлган турли-туман ролларни ёрқин, ҳаққоний ва чинакам ҳаётий ижро этган. Санъаткор яратган бадиий баркамол образлар ҳамиша ўзининг фалсафий мушоҳадаси, инсонни ҳаяжонлантирувчи ҳаёт масалаларини ўзида мужассамлантиради.

Олим Хўжаевнинг ижоди ниҳоятда кўп қиррали эди: у театр саҳнасида актёр, режиссёр, ўз даврининг таниқли жамоат арбоби, телевидение ва радиода фаолият кўрсатиш билан биргаликда кино санъати соҳасида ҳам самарали ижодий меҳнат қилиб келган.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар Марказий Давлат архиви фондида ўз даврининг ҳақиқий санъаткори бўлган Олим Хўжаевнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги турли хил суратлар, кино ва овозли тасмалар сақланиб келинмоқда. Ушбу бебаҳо саналмиш ҳужжатларда Олим Хўжаевнинг турли хил образлари, жамоат ишларидаги фаолияти ҳамда шахсий ҳаёти ҳақида сўзловчи лавҳалар муҳрланиб қолган.

Устоз санъаткор Олим Хўжаев доим чуқур изланишларда бўлди, чинакам тўлақонли образлар яратиш ҳақида бетиним ўйлади, бутун қобилиятини, истеъдодини ана шундай мураккаб, аммо савобли ишга қаратди.

Халқ санъати йўлида узоқ йиллар катта муваффақиятлар билан ҳалол хизмат қилиб келган Олим Хўжаевнинг ҳаёти ва ижоди ҳозирги замон ёшлари учун ҳақиқий дастуруламал бўлиб қолади.

**Дилбар ЗОКИРОВА,**
**ҳужжатлардан фойдаланиш бўлим мудири.**

*СУРАТДА: Олим Хўжаев ёшлар орасида.*

*Жасорат*

# МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

***Президентимиз 1999 йил 2 март куни имзо чеккан Фармонга мувофиқ 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилинди. Республикамизнинг барча вилоятлари ва шаҳарларидаги ҳамюртларимиз қатори тошкентликлар ҳам гитлерчи босқинчиларга қарши олиб борилган ҳаёт-мамот жангларида иштирок этишган ва ўзларининг жасорат ва матонат соҳиблари эканликларини кўрсатишган.***

Аммо номинг ўчкур уруш кўпгина оилалар бошига мусибат солди, бир неча ўн минг ҳамюртларимизга жангларда мардларча ҳалок бўлганликлари оқибатида оилалари бағрига қайтиш насиб этмади.

Ҳарбий хизматга Тошкент шаҳридаги Эгарчи маҳалласидан чақирилган Маъруф Хўжаев жангларда 35-алоҳида ўқчи бригадада взвод командирининг ёрдамчиси сифатида қатнашган.

198,4 тепалигига ҳужум қилинганда сержант М. Хўжаев душман траншеясига биринчи бўлиб бостириб борди. Гитлерчилар блиндажига яқинлашгач, у ерга бир неча граната улоқтирди. Фашистларни қувишни давом эттириб, взвод жангчиларини олға бошлаб кетди ва бир фрицни асир қилиб олди.

Маъруф Хўжаев 1943 йил 15 июль куни олиб борилган жангда мардларча ҳалок бўлди. Жасади Смоленск областининг Семлевск районидаги Афонино қишлоғида дафн этилган.

Фронтга Тошкент шаҳрининг Тахтапул кўчасидан йўл олган Қўчқор Шораҳмедов жангларда 50-гвардиячи ўқчи дивизия таркибидаги 119-гвардиячи тўпчилар полкида взвод командири сифатида қатнашган.

Гвардиячи лейтенант Қ. Шораҳмедов Запорожье областининг Сергожек районидаги Николаевка қишлоғи яқинида душман мудофааси ёриб ўтилган 1944 йил 31 январь куни взвод тўпларидан шиддатли ўт очилишини таъминлади. Жанг майдонида 40 га яқин гитлерчининг жасади қолди, душманнинг икки пулемёти ва бир тўпининг овози ўчди.

3 февраль куни тўпларини кўриб отиш позициясига олиб чиқди. Шунинг натижасида душманнинг икки автомашинаси ёндириб юборилди, 2 блиндаж ва 2 қўл пулемёти расчёти билан бирга яксон қилинди. 20 га яқин гитлерчи жаҳаннамга жўнатилди.

Шунинг натижасида пиёдаларимизнинг олға силжишлари ва жанговар вазифани бажариш учун имконият вужудга келди.

Қўчқор Шораҳмедов 1944 йил 19 февраль куни олиб борилган жангда мардларча ҳалок бўлди. Жасади Николаев областининг Н. Воронцовск районидаги Леонтиевка хуторига дафн этилган.

Қадрлашга муносиб жасорат кўрсатган ҳамюртларимиз ҳам кўпчиликни ташкил этади. Ҳарбий хизматга Тошкент шаҳрининг Кўксув кўчасидан чақирилган Усмон Омонов жангларда 301-ўқчи дивизия таркибидаги 1054-ўқчи полкда миномёт мўлжалловчиси сифатида қатнашган.

У. Омонов жангларда ўзининг мард миномётчи эканлигини кўрсатди. 1942 йил 26 декабрдан 1943 йил 1 январгача Дигора аҳоли пункти яқинида олиб борилган жангда у расчёти билан душманнинг 2 та артиллерия батареясини, 1 та миномёт батареясини, 2 та пулемёт нуқтасини, 2 та блиндажини, 5 та автомашинасини ва бир ротага яқин гитлерчиларни яксон қилди. Сержант Омонов 1945 йил 23 апрель куни Шпрее дарёсидан ўтишда пиёдаларни қўллаб-қувватлаш жараёнида дарёдан ўтишга тўсқинлик қилган душманнинг 2 та ўт очиш нуқтасини яксон қилди.

Берлин шаҳрига ҳужум қилинганда пиёдаларга мадад бериб турди. Шунда у пиёдаларнинг олға силжишларига тўсқинлик қилган 3 та фаустникни ва 1 та танкни яксон қилди.

**Мажид САМАДОВ,**
**уруш ва меҳнат фахрийси.**

## МУСТАҚИЛЛИК — БУЮК НЕЪМАТ

***Қачонки, Истиқлол фидойилари устида сўз борса, дарҳол Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Мунаввар Қори, Элбек, Ғози Юнус, Абдулла Қодирийлар эсга тушади. Бизнинг ёшдагиларга деярли замондош бўлган бу даҳолар ХХ асрнинг бутун фожиаларини бошларидан кечириб яшадилар, ишладилар, бутун фаолиятларини айни миллий мустақиллик учун курашларга бахшида этдилар. Мана шу олий мақсад йўлида қурбон бўлдилар. Шунинг учун ҳам биз уларни ҳақли равишда Истиқлол қурбонлари деб атабгина қолмай, балки уларнинг руҳи-поклари олдида таъзим қиламиз...***

Яқин ўтмишимиз

# УЛАР ИСТИҚЛОЛ УЧУН КУРАШДИЛАР







Улар: «ЧИНАКАМ ФИДОЙИЛИК КЎРСАТДИЛАР» — Мазкур иборанинг жуда катта, чуқур замини бор. Бугунги Истиқлолимизни бутун жаҳон тан олиб турган, шу йилларда ўлкамизда юз бераётган буюк ўзгаришларга гоҳ ичимиздан, гоҳ сиртимиздан қараб мадҳия ўқиётганлар орасида самимий дўстларимиз ҳам, ёвуз ниятли кимсалар ҳам борлиги эндиликда сир бўлмай қолди...

Абдулла Қодирий ва унинг ҳамфикр замондошлари ҳам шундай зиддиятлар қуршовида фаолият кўрсатиб — фақат эл-юрт, миллат равнақи, Туркистон халқлари маърифати, маданияти ва унинг буюк натижаси бўлган маънавиятини юксалтириш учун тинимсиз кураш олиб бордилар. То ёвуз кучлар қатлига дуч келгунча ўз иймон-эътиқодлари бўлмиш Истиқлол йўлидан қайтганлари йўқ, бу олий ният уларнинг қалбида, бутун борлигида абадийлашиб қолди. Худди ана шу ёғдулар ҳамон бизнинг тафаккуримизга нур таратиб турибди. Бу буюк зотларимизнинг маънавий меросларини шу боисдан аллақачон бир миллат ёки бир халқ, яъни ўбек халқи манфаатлари доирасидан чиқиб умуминсоний маънавиятга айланиб кетдики, эндиликда буюк Истиқлолимиз туфайли улар ҳақида бемалол гапириш имкониятимиз пайдо бўлди.

Умр — оқар дарё. Қарангки, Абдулла Қодирий ва Фитратларнинг дастлабки асарлари яратилганига салкам юз йил бўлибди. Коммунистик тузум деб аталган ёвуз кучлар томонидан қатл этилганларига эса олтмиш йиллардан ошибди. Хўш, улар қолдирган мероснинг бугунги ҳаётга дахлдорлиги нимада?

Бизга маълумки, Қодирий ижодини кейинги даврларда ўрганиш 1955-56 йиллардан — Ўзбекистон зиёлилари иккинчи қурултойидан кейин бошланди. Шундан бери орадан ўтган муддат ичида озмунча мақола-ю китоблар ёзилмади.

Буюк даҳоларимиз маънавий меросларининг мангулика дахлдорлигининг моҳияти ҳам шунда. Зеро улар ҳамма замонлар учун маънавий аҳамиятини сақлаб қолаверади.

Энди асосий фикрга қайтайлик. Бугунги ҳаётимиз воқелиги, муаммолар, Истиқлолимизни сақлаш ва уни мустаҳкамлаш учун бизга ёвуз кўз, разил ният билан қараётганларга қарши курашда Қодирий мероси қандай роль ўйнашини мушоҳада қилиб кўрайлик. Истиқлол фидойилари бўлган аждодлар бу кунларни орзу қила-қила оламдан армон билан ўтдилар. Биз эса, минг шукрки, мана саккиз йилдан буёнгина Истиқлол шарофатидан баҳраманд бўлиб яшаяпмиз. Қодирий ўз асарларида 1910 йиллардан бошлаб энг ҳалол, инсонпарварлик ва унга қарши қора кучлар ўртасидаги курашларни тасвирлаб келади. Ўз манфаатидан бошқани билмайдиган текинхўрлар, хориждан босқинчилик қилиб келган ажнабийларнинг маҳаллий аҳоли ўртасидаги энг яхши миллий анъаналарни оёқости қилганлари, ўта саёз тушунчали ўзбек бойларининг ёшлар таълим тарбиясига кўрсатаётган салбий таъсирлари, чор Россияси Туркистонга ўз ички ликбозлиги, миллий бузғунчиликлари, миллий қадриятларни йўқотишга зўр бераётгани каби ғоят хатарли хатти-ҳаракатлар ҳақида Беҳбудий, Абдулла Қодирий дастлаб «Падаркуш», ундан кейин «Бахтсиз куёв» пьесаларида, қатор шеърлари ва «Жувонбоз» ҳикоясида, жуда кўплаб ёзган публицистик мақолаларида шундай тасвирлаганларки, улар ҳамон тарбиявий аҳамиятини йўқотган эмас. Бугина эмас, «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон» романларида Қодирийнинг чуқур фалсафий мушоҳадалари юксак бадиий савияларда шундай тасвирланадики, уларни ҳамон тўлқинланмасдан ўқиб бўлмайди. Эътибор қилинг — элим-юртим деб яшайдиганларнинг ниятлари мана бундай: «...Эсимни таниганимдан бери амал демай, мансаб демай фақат шу мусулмонлар манфаатини кўзлаб келдим».

Бу мулоҳазаларни Абдулла Қодирий ўз даврининг Алишер Навоийси, Улуғбеги, Бобури, Ибн Синоси, Беруниийси фазилатларини ўзида мужассам этган, ўша буюк даҳолар авлодига мансуб — Юсуфбек ҳожи тилидан баён қилади.

Юсуфбек ҳожи ким? Бу асли Отабек билан бирга кўшганда — Абдулла Қодирий қиёфасини намоён этадиган шахсдир... Ислом динига, пайғамбаримиз ҳадиси муборакларига содиқ, эл-юрти бахти учун умрини бахшида этган буюк зотдир...

Республикамиз пойтахтида Ислом Университети ташкил этиш, унда буюк шарқ ва миллий маънавиятимиз тарихини ўрганиш, энг юксак анъаналаримизни тиклаш ва ижодий ривожлантиришдек савоб ишларга йўл очиб бераётган Юртбошимиз фаолиятлари, буюк Истиқлолимиз ато этаётган маънавий неъматлигини идрок этишда Юсуфбек ҳожилар қиёфаси нақадар юксакликларга даъват этишини бир ўйлаб кўрсак, Қодирийлар мероси бебаҳо эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Ахир беҳудага қон тўкиб, бегуноҳларнинг жонига суиқасд қилган малъунлар — ўзларини мусулмон атаб муқаддас Ислом динигина эмас, бирорта ҳам динга алоқаси йўқ жиноятларни содир этаётганларни ўйлаганда кўз олдимизда яна Юсуфбек ҳожилар, Қодирийлар, Беҳбудийлар, Фитратлар ҳамон ўз салобатлари билан қад кўтариб тураверадилар! Бизнинг қандай авлод-аждодларимиз бўлганлиги, биз уларга муносиб ворислар эканлигимизни эслатаверади...

Қани энди ёшларимиз онгида ана шу аждодларимиз маърифати, маданияти, маънавияти янада кўпроқ шаклланса, ривожланса, Истиқлолимиз яратиб бераётган тарихий вазиятларда тобора камолга етса!

Хонликлар даврида Туркистонда авжга чиққан зиддиятлар, гуруҳбозликлар, маҳаллийчилик, қабилачилик туфайли бир-бирини қириш ва юртни қонга белаб бойлик орттириш, юқорироқ мансабларга миниб олиш учун кураш Ҳожи қалбини муттасил ўртади. Тараққиёт орқага кетган, бобомиз тузган буюк Турон давлати парчаланиб эл-юртни хароб қилган вазиятда ажнабий босқинчиларга ем бўлиш хавфи ҳам аниқ кўриниб қолган эди. Ҳожи, унинг ўғли ва уларнинг ҳамфикрлари бундан ғоят ташвишга тушадилар... Юртни бу оғир тангликдан қутқариш чораларини излашга бутун борлиқларини бахшида этадилар.

Қипчоққа қирғиндан ғафлатда қолган, тўғрироғи — ҳаромхўр беклар томонидан алданган Юсуфбек ҳожи бойлик, мансаб, талон-торожга ружу қилаётган разилликларга нисбатан ўз муносабатини, қаҳрғазабини, қарашларини жуда очиқ баён қилади: «...Иттифоқни не эканини билмайдиган, ёлғиз ўз манфаати шахсияти йўлида бир-бирини еб-ичган мансабпараст ва шуҳратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди...»

Бу мулоҳазалар худди бугунги — бизнинг Истиқлолимизни кўзда тутаётганга ўхшамайдими?

Юсуфбек ҳожи ўз мустақил юртининг ем бўлишини ғоят катта фожиа деб билади. У Туркистон тупроғидан етишиб чиққан буюк аждодларимиз шаъни, уларнинг табаррук номлари, руҳлари олдида ҳам ўзини жавобгар деб ҳисоблайди. Буюкларимизни бирмабир санаб ўтади: «...Темур Кўрагон каби доҳийларнинг, Мирзо Бобур каби фотиҳларнинг, Форобий, Улуғбек ва Ибн Сино каби олимларнинг ўсиб-унган ва нашъу-намо қилганлари бир ўлкани ҳалокат чуқурига қараб судрагувчи албатта тангрининг қаҳрига сазовордир».

ХХ асрнинг 20-йиллари бошида Туркистон Истиқлолнинг ҳали бирор шоир, олим ёки адиб Абдулла Қодирий каби теран фалсафий, юксак бадиий савияда бу қадар чуқур фалсафий изоҳлаб бера олмаган бўлса керак... Қодирий маънавий меросининг миллийлиги, умуминсонийлиги, бугунги тарбиявий аҳамияти-ю юксак мавқеи ҳам айни шундан иборатдир... Бу бизнинг адабий, маънавий, маърифий меросимиз, битмас-туганмас хазинамиз бўлиб қолади.

**Аҳмад АЛИЕВ.**

---

Дил тубидан

# НОМЛАРИ БАРҲАЁТ

***Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Фармони билан 1941-1945 йиллардаги урушда ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган ўзбекистонлик жангчиларнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Тошкент шаҳрига бағишланган 4 жилдлик «Хотира» китоби босмадан чиқарилиб, ушбу китобда 52 минг киши ҳақида маълумот берилган эди.***

Ушбу хотира китобларини варақлаб туриб, учинчи жилдида дадамларнинг исм-шарифларини ўқиб, кўзим ёшга тўлди. Чунки мен қайтадан отам Юнус Исаевни топдим, амаким Расул Исаев ва тоғамларнинг ҳам номларини учратиб ҳаяжон билан ўқидим. Биз икки ўғил ёш эдик, ота ардоғини кўрмай, муштипар, 30 ёшда турмуш ўртоғидан ажралган она қўлида тарбияландик. Ҳозирда меҳнат фахрийсимиз. Биз доимо урушда ҳалок бўлганларни эсга олувчилар топилиб қолар, давр келиб тарих тилга кирар деб ўйлардик. Мана, мустақиллик бунга имкон яратди. Президентимизнинг шу йил 2 мартда чиққан «9 Майни Хотира ва Қадрлаш куни» деб эълон қилиш тўғрисида»ги Фармонларига кўра II жаҳон урушида фашизмга қарши курашда ҳалок бўлганлар, мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллиги учун жон берган барча юртдошларимиз хотираси абадийлаштирилади, шу билан бирга Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаётган, обрўэътиборини кўтараётган замондошларимиз ҳурматлари жойига қўйиладиган бўлди. Буни барча юртдошларимиз зўр қувонч билан кутиб олишди. Энг муҳими, Мустақиллик майдонида улуғвор қад ростлаган Хотира майдонидаги барча иншоотлар Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланади. Бу ердаги иншоотлар абадул-абад ёдгорлик сифатида келажак авлодлар учун сақланиб қолинишига ишонамиз. Энди биздек ота ардоғини кўрмаган ўзбек фуқаролари, отам шу ерда деб ҳисоблаб бир калима Қуръонни ҳадя этиб туради.

**Ўктам ЮНУСОВ,**
**Собир Раҳимов туманидаги Тахтапул маҳалласи оқсоқоли.**

# ЎТГАНЛАРНИ ЭСЛАШ, ТИРИКЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ — САВОБЛИ ИШ





Мудом сени ёдинг билан яшаймиз.

*Ёднома*

## ИНСОН НОМИ — АЗИЗ

***Сархумдонлик марҳум аравакаш Маҳамадхўжа отанинг жияни Ҳокимхўжа арава йўлга чиқиши билан дарҳол пайдо бўлиб қолар, жиловни қўлга олиб отни бошқарарди. У на совуқ, на иссиқдан қўрқар, ўта ғайратли, олов бола эди.***

***— Ўғлим, — деди бир куни Маҳамадхўжа ота, — сен от-арава ҳайдашни яхши кўрсанг бемалол келавер, лекин мен Туркманистонда ҳайдовчилар тайёрлайдиган мактаб бор, деб эшитдим. Ўқишга бориб, ҳунар эгалласанг яхши бўлар эди.***

Бу гап Ҳокимхўжага ёқиб тушди. 1934 йили Туркманистоннинг Мари шаҳрига ҳайдовчилар тайёрлаш мактабига ўқишга юборилди. Ўқишни битиргач ўша ерда бир-икки йил ишлади.

Дунё безовта, халқаро аҳвол ёмонлашиб 1941 йил яқинлашиб келаётган эди. Кейин у мамлакатимизнинг Европа қисмига хизматга олинди. Мудҳиш уруш ўтиб кетди. 1946 йилдан бошлаб Ҳокимхўжа Тошкент вилоятидаги «Озод» жамоа хўжалигида «полуторка» машинасида ҳайдовчилик қила бошлади. Янги жойда машина, техника ҳаммадан ҳам азиз бўларди. Одамлар от-аравадан энди қутула бошлаган йиллар эди. Ҳокимхўжа аканинг машинаси бўш бўлса дуч келган одамнинг ишини енгил қилар, ҳеч кимни йўлда қолдирмас эди. Сархумдон маҳалласида яшовчи Саидкарим Ҳомидов, лўли Раҳмон Раҳимов, рус Лёнька Иванов, чорсулик Миркарим Давлатов, Ҳасанбой Алиев, Неъмат Худойбердиев, Нормуҳаммад Норов ва кўплаб ёшлар Ҳокимхўжанинг ёрдамида ҳайдовчи бўлиб етишдилар.

Ҳокимхўжа Раззоқов кейинчалик Чилонзорнинг Оқтепа даҳасида очилган ҳайдовчилар тайёрлаш мактабида устозлик қилди. Ҳар бир кўринган ёр-биродарига яхши маслаҳат, керак бўлса моддий ёрдам берар, ҳаёт муаммоларидан чиқиб кетиш йўлларини ўргатар, улар йўлини топиб олса, хурсанд бўлар эди. Новвойнинг уйига ун, бинокорга ёғоч тахта олиб борар, хуллас имкон топиши билан кимгадир яхшилик қилар эди.

Бир куни Ҳокимхўжа қишлоқдан Оққўрғон марказига бир тўда одамларни олиб келди. Якшанба куни эди. Ҳамма машинадан тушди, лекин 5-6 ёшлик бир бола машинада йиғлаб ўтирарди.

— Нега тушмаяпсан, ўғлим, — сўради Ҳокимхўжа.

— Атийим кетиб қолди.

— Ана атийинг.

Атий — чол Ҳокимхўжа олдига келди:

— Ўғлим, бизларга ёрдам қил, ўғлимга ёрдам бер, паноҳингга ол.

— Отинг нима ўғлим? — сўради Ҳокимхўжа.

— Аҳад.

— Баракалла ўғлим, сенга машина ҳайдашни ўргатаман, ўтир кабинага, ёнимда юрасан.

Ҳамма болалар каби Аҳад ҳам машинани яхши кўрарди. У йиғламади, атийси билан хайрлашди.

Ҳокимхўжанинг акаси Қодирхўжа отанинг ўғли йўқ эди.

— Мана сизга ўғил олиб келдим ака, тарбиямизга оламиз, зора худо сизга ўғил бериб қолса.

1955 йили ҳарбий мутахассис, мебель заводининг директори Ҳокимхўжа аканинг дўсти Султон Ботиров ёзувчи Ойбекнинг илтимосига биноан янги олган машинасини бошқариб 3-4 кун Тошкент атрофи тоғларига айлантириб келди. Шоир Миртемир, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳорларнинг машиналари ҳолатини бир неча бор кўриб берганларини менга айтган эдилар. Лекин уларнинг биронтасидан ҳам хизмат ҳақи олмаганлар.

1973 йили Сархумдон маҳалласи бузилди. Шунда бизнинг уй ҳам бузиладиган бўлди.

— Нима қилмоқчисиз эшон, — мендан сўради Ҳокимхўжа ака.

— Нима қилардим, жўжабирдек жонман, доммими, коттежми олиб кетаман.

— Сиз ақлингизни ишлатинг, — дедилар менга, — ҳукумат ер берса, пул ёрдами қилса, иморатбоп ёғочларимиз етарли бўлса бир катакни қуриб ололмайсизми?

Аввалига кўнмадим, охири рози бўлдим. У кишининг маслаҳати туфайли ҳовлида яшаяпмиз. Ҳокимхўжа аканинг уч қиз, бир ўғли бор. Сархумдонликлар, қариндош-уруғлар Ҳокимхўжа акани эслашаркан, қандай яхши одам эди, деб ҳурмат билан хотирлашади. Яхши инсон номи доимо азиз деб шуни айтадилар-да!

**Турсунхўжа МАҲМУДХЎЖАЕВ.**

## ҲАР ЙИЛГИДАН ЎЗГАЧА

**• Озода ИДРИСОВА, «Қизил тонг» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшмаси раиси:**

— Президентимиз Ислом Каримовнинг «9 Майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида»ги Фармони 2200 нафардан ортиқ ишчи-хизматчини бирлаштирган жамоамиз аъзоларини ҳам тўлқинлантириб юборди. Шу боис ҳам бу йил илк бор нишонланадиган бу кунга ҳар доимгидан ўзгача тайёргарлик кўрдик.

Корхонамизда уруш иштирокчилари ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, маънавий ва моддий кўмак бериш, уларнинг жамоа ишларига қўшган ҳиссаларини эслаб қадрлаш одат тусига кирган. Чунки хотира ва қадрлаш ҳар бир инсонга хос юксак фазилатлардан саналади. Зеро қадр қилган қадр ҳам топади. Ана шуни эътиборга олган ҳолда ҳозирда ҳаёт бўлган 25 нафар уруш қатнашчисининг ҳар бирига корхонамиз томонидан 3000 сўмдан моддий ёрдам кўрсатамиз, ҳамда 160 нафар меҳнат фахрийсига май-июнь ойларида профилакторийда соғлиқларини тиклашлари учун бепул йўлланма беришга қарор қилдик. Шунингдек, йил давомида барча меҳнат фахрийларига имконият даражасида ёрдам кўрсатилади. Доимо уларнинг ҳолидан хабар олиб, кўмак беришга ҳаракат қиламиз. Шу билан бирга бугунги сафимизни тўлдирган ёшларга кекса авлодни қадрлаш, уларнинг меҳнатидан ибрат олиш лозимлигини уқтириб борамиз. Қисқаси, уларнинг меҳнатига бугунги бор меҳр-мурувватимиз билан жавоб берамиз.

## «УРУШНИНГ НОМИ ЎЧСИН»

***Ташқарида шаррос ёмғир қуйган пайтларда ёки қор бўралаб ёққанида инсон қалби ҳувиллаб, хотира томон етаклайди. Ана шундай дамларда умрни сарҳисоб қилиш, ўтмишни яна бир бор эсга олиш одамга кўп нарсаларни берар экан. Хатолар, армонлар ёдномаларини варақлаб кулфатли тақдир ғурбатларининг қайтмаслигини яратгандан қайта-қайта сўраймиз.***

... Иссиққина танча атрофида ўтириб, суҳбат қурардик. Онам эса бир нуқтага тикилиб ўтирар, гоҳида кўзларидан сизиб чиққан ёшларни қўллари билан сездирмайгина артиб қўяр эдилар. Қизиқиш зўрлик қилиб ҳоли жонларига қўймай: «Ойи, нимани ўйлаяпсиз. Гапириб беринг», деб қўймасдик. Шунда онам бир хўрсиниб оларди-да: «Э, болаларим, биз кўрган кунни сизлар асло кўрманг. Урушнинг уйи куйсин, қанча одамнинг ёстиғини қуритган. Отам урушга кетганларида мен ҳали туғилмаган эканман. Онам икки акамни боқиш учун кечалари билан дўппи тепчир, қўллари қадоқ бўлиб, кундузи бошқа иш билан шуғулланар эканлар.

Уруш тугаб дадам уйга қайтибдилар. Фронтга кетаётганларида, ёш, бақувват, ўта келишган, соғлом йигит келаётганларида бир оёқлари йўқ, касалманд бўлиб қайтибдилар.

«Банданинг боши, Оллоҳнинг тоши», деб бекорга айтилмас экан. Оллоҳ ризқимизни бут қилиб, бошимизни омон қилганига шукр қиламанда, сенларнинг бахтли кунларингни кўриб қувонаманда, ана шунинг учун, хотиралар ёдимга тушиб, юрагимни ўртагани учун йиғлайман...

Илоҳим у кунлар асло қайтмасин!..

**Гўзал ОТАЖОНОВА.**

## ХОТИРЛАШ ВА ҚАДРЛАШ — ОЛИЙ ФАЗИЛАТ

## МАЪНАВИЯТИМИЗ БОЙ БЎЛСА

***Инсон маънавиятининг бой бўлиши бир кунда амалга ошадиган иш эмас. Уни йиллар давомида, тинимсиз изланишлар, ўқиб-ўрганишлар жараёнида қон-қонимизга сингдириб бораверишимиз керак.***

— Дарҳақиқат, агар танимизда жонимиз бор экан, у ҳолда бир-биримизга оқибатли, катталарга ҳурмат, кичикларга иззатли бўлиб, доимо аёлларни, қарияларимизни ҳурмат қила билишимиз керак, — дейди республика «Маънавият ва маърифат» марказининг Тошкент шаҳар бўлими раиси Садир Салимов. — Айниқса, қарияларимиз ҳолидан хабар олиб, бир оғиз дуосини олсак, эртанги кунимизда ана шу дуолар ижобат бўлгай. Шу мақсадда биз ҳам туманларимиздаги маҳаллалар, барча турдаги ўқув юртларида, маданият ва маънавият муассасаларида Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб махсус кўргазмалар уюштириб, уруш қатнашчилари билан учрашувлар, маърифий-бадиий кечалар ўтказаяпмиз. Урушда иштирок этганлар ва қаҳрамонларимизнинг сони тобора камайиб бормоқда. Улар билан бир пиёла чой устида суҳбатлашиш, хотираларини тинглаш, менимча кўпчиликка завқ-шавқ бахш этади. Қари, ногирон инсонлар, ота-оналар, аёлларнинг иззатини қилган, дуосини олганлар ҳеч қачон бу дунёда кам бўлмайди. Шунинг учун ҳам биз жойларда бўлганимизда бу кунда қилаётган ишларимиз юз йилдан кейин ҳам қадрланиб эсланишини, абадий қолишини истаган ҳолда ёшларимизга ибрат бўларли даражада тушунтираяпмиз. Чунки ёшларимиз маънавий баркамол бўлса миллий қадриятларимиз юксалади, урф-одатларимиз ўзбек маданиятига хос равишда мустаҳкамланаверади.

**Гулбаҳор МЎМИНОВА.**

## ИККИНЧИ УМР

***«Ўзгалар бахтини ўйлаб яшасак, ўз бахтимизни ҳам топамиз» деган эди Шарқ донишмандларидан бири. Бу — ҳақиқат. Инсонлар бахту саодати учун курашганларнинг ўзлари ҳам эл аро абадул-абад ардоқлидирлар. Бундайлар гарчи дунёдан ўтиб кетган эсаларда, эзгу ишлари уларнинг иккинчи умрига айланиб, ўзларидан кейин ҳам яшайверади. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, Бердақ мукофоти соҳибаси Лизахоним Петросованинг умри ана шундай ёруғ хотираларда яшаб қолди. У машҳур санъаткор Тамарахонимнинг синглиси, таниқли актриса, меҳри дарё она эди.***



Илк меҳнат фаолиятини ўн беш ёшида бошлаган Лиза ўта тийраклиги билан Лутфихоним Саримсоқованинг назарига тушди. Лутфихон ая Лизани ўзи ишлаётган Андижон театрига олиб кетди. «Бу марғилонлик қизда туғма қобилият бор, у ҳали ажойиб актриса бўлади!» дерди театрнинг ўша вақтдаги режиссёри (марҳум) Абдуваҳҳоб Азимов. Лизанинг илк ролларидан завқланган кўпгина актёрлар бу сўзни маъқуллашарди. Кейинчалик ушбу башорат ростга айланди. Андижон театри Лизахонимни талантли актриса сифатида кашф этди.

Ўзбекистон филармонияси эндигина ташкил этилган йиллар. Лиза бу даргоҳга ўзи тузган дуторчилар ансамбли билан кириб келди. Кўп ўтмасдан уруш бошланди. Ана шу урушнинг кечинмалари Лизахонимнинг ҳаёт дафтарига унутилмас саҳифаларни битган...

— Урушнинг дастлабки пайтларидаёқ санъаткорлардан иборат фронт бригадалари ташкил этила бошланганди, — дея хотирлайди Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Раҳимова. — Биз тўплаган концерт бригадасига синглим Лиза ҳам келиб қўшилди. У ўн уч ёшли Яйра қизини ҳам етаклаб олганди. «Қизинг ҳали ёшку, уни қаерда қолдирасан» деб сўрадим. «Қизим ҳам ёнимда бўлади!» деди у. Шундан сўнг ўн етти кишидан иборат бригада урушга жўнаб кетдик. Эҳ-ҳе, кейинги кунлар... Ҳаммаси оғир кечди. Биз баъзан ертўлаларда, баъзан ўқ ёмғири визиллаб турган очиқ жангоҳларда, баъзан ярадорлар даволанаётган ҳарбий госпиталларда концерт берардик. Лиза жуда матонатли аёл эди. У ҳеч нарсадан қўрқмас, қизи Яйрани ҳам шунга даъват этарди. Жанггоҳларда Лиза билан биргаликда айтган қўшиқларимиздан бири шундай бошланарди:

*Сен қурол олдинг қўлингга*
*Эл учун, шонинг учун.*
*Гул диёру, ёру дўстинг —*
*Ҳам қадрдонинг учун...*

Ўша суронли йилларда биз қарийб ўн учта турли фронтларда бўлдик. Куй-қўшиқларимиз, яхши сўзларимиз, меҳримиз билан жангчи аскарларга мадад бердик. Ғалаба ҳақидаги хабарни ҳам жанггоҳда эшитдик. Гоҳо ҳамкасблар билан давра қурсак ўша йилларни эслаймиз. Афсуски, орамизда йўқотишлар бўлмоқда. Меҳрихон Абдуллаева, Лизахоним...

— Ҳаётда иродали бўлиб яшашни, ўзгалар бахти учун курашчан бўлмоқликни менга онам ўргатганлар, — дейди таниқли актриса Яйра Абдуллаева. — Отам Умаржон Абдуллаев ҳам бир пайтлар мен ишлаётган Ҳамза театрида актёр бўлганлар. Ота-онам менинг кўнглимда санъатга бўлган меҳрни жуда эрта пайқашган. Айниқса, онам билан жанггоҳларда ўтган кунларимизни асло унута олмайман. Фронтда илк бор ўйинга тушганимда ўн тўрт ёшда эдим. Ўша кунларнинг бирида онам менга «Ўзбек генерали Собир Раҳимов бугун рақсларимизни томоша қилгани келаркан. Сен ҳам ўйинга тушасан», дедилар. Ҳаммамиз миллий либосларимизни кийиб шай бўлиб турдик. Эшик очилиб, у киши кириб келдилар. Ҳали кўз ўнгимда: баланд бўйли, қорачадан келган, юзида холи бор, очиқ чеҳрали киши экан. Биз «Ул париваш» қўшиғини айтиб, рақс туша бошладик. Сўнг у киши бизнинг қўлларимизни қисиб, бирма-бир раҳмат айтдилар. «Биз тезда яна учрашамиз», дедилар биз билан хайрлашаётиб. Бизлар бир неча ҳарбий қисмларда концерт бериб қайтиб келганимизда бу ажойиб инсонннинг жангда ҳалок бўлганини эшитдик...

1950 йиллар арафасида Лизахоним жуда кўплаб ролларни театр саҳналарига олиб чиқди. Севгиси учун фидойилик, бахт йўлидаги курашчанлик, орзу-мақсадларга етишишда жамики тўсиқлардан ғолиб келиш сингари фазилатлар у ижро этган ҳолатларнинг ички мазмунини белгиларди. Айниқса, у «Аршин Мололон» спектаклидаги Осиё ролини қиёмига етказиб ўйнарди. Бу роли учун жуда кўплаб таниқли актёрлардан миннатдорчилик ҳам эшитганди. Ўша йилларда Ўзбекистонда Қорақалпоғистон санъати кунларини ўтказиш режаланган, бунга тараддуд ҳам бошланиб кетганди. Етук санъаткорлар қаторида Лизахоним ҳам бу тадбирга етарлича тайёргарлик кўрди. У бир неча услубдаги қорақалпоқча рақсларни саҳнага қўйди. Унинг балетмейстерлик маҳоратидан огоҳ бўлган Шароф Рашидов актрисага ўша кезларда тузилган Қорақалпоқ филармониясини бошқаришни таклиф этди. Лизахоним ҳаётининг жуда кўп йилларида ана шу филармонияга етакчилик қилди.

— Баъзилар мендан «Сиз қорақалпоқча рақсни қойиллатиб ўйнайсиз, қўшиғини ҳам ўхшатасиз, буни қаердан ўргангансиз?» деб сўрашади, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Коммуна Исмоилова. — Шунда мен уларга «Бу рақс ва лапарларни ўрганишимда Лизахонимнинг ҳиссаси беқиёс» деб жавоб бераман...

***«Халқимга ҳеч нафим тегмаган кунни, умрим ҳисобига қўша олмайман!» деган экан таниқли шоирлардан бири. Ҳаётнинг мазмунини теран англаб яшаган, доимо эл-юрт хизматида бўлган Лизахоним Петросованинг умр йўли ҳам худди шу сатрларни тасдиқлаб тургандай. Зеро, яхшилар ёди ҳаммамизнинг қалбимизда, меҳримиздадир.***

**Гулчехра ЖАМИЛОВА.**

*Жангчи шоирлар илҳоми*

## ФИДОЙИЛАР

*Ёдда ўтмиш, ўт олган жаҳон,*
*Вулқонларга айланган дардлар,*
*Она юрт-чун фидо айлаб жон,*
*Ҳайкалларга айланган мардлар.*
*Ватан бўйлаб хотира юрар.*
*Кўкси қалқон мардлар нидоси,*
*Эрк постида оналар турар,*
*Жудоликнинг дардли дунёси.*
*Шаҳидларнинг руҳи мангулик,*
*Сергакликка чорлар доимо,*
*Унутсангиз — оташ кўргулик.*
*Қора хатдан қораяр дунё...*
*Ёзиқ тарих — эрк саҳифаси,*
*Ҳар матнида оташ кўрганлар,*
*Унда мардлик ҳам шон нафаси,*
*Бўронларни енгиб ўтганлар,*
*Ёдда ўтмиш, ўт олган жаҳон,*
*Вулқонларга айланган дардлар,*
*Она юрт-чун фидо айлаб жон,*
*Ҳайкалларга айланган мардлар,*
*Она, Ватан — истиқлол дунё,*
*Сергакликка чорлар доимо.*

## БИЗ СЕВГАН ЗЕБО

*Турар эдинг чинор каби бекатда танҳо,*
*Жанг йилларин эслаб кетдим, гул эдинг, раъно.*
*Марди майдон йигитларнинг қалбини ўртаб,*
*Ҳандақлардан ўтар элинг, боқмай бир қиё.*
*Ўн саккизда тўлин ойдай, яшнаб, ҳамшира,*
*Юлдуз эдинг, азиз эдинг бизга доимо.*
*Жангоҳларда оташ ичра тап тортмай, елиб,*
*Югурардинг ярадорлар кутганда шифо.*
*Кўрдим энди чорраҳада, шошиб турардинг,*
*Учмоқ бўлган кабутарга ўхшардинг гўё.*
*Одамларнинг тўлқинига хурсанд қарардинг,*
*Ўша таниш нигоҳингда порларди зиё.*
*Биз учрашдик, унутмасман жангда йиқилган*
*Бу жангчини қутқазгансан айлаб жон фидо.*
*Энди момо бўлиб бугун қайга борурсан,*
*Хаёлда сен ҳамон ўша — биз севган зебо.*

**НАЗАРМАТ.**

## «ҚАЙДАН КЕЛАДИ?»

*Савол бердинг дилдорим: «Илҳом қайдан келади?»*
*Илҳом чалинаётган дутор, найдан келади.*

*Чаманда булбулларнинг жўшиб сайрашларидан,*
*Суви шарқираб оққан дара, сойдан келади.*

*Одамлар тер тўкишиб ишлаётган даладан,*
*Қаерда меҳнат қизғин, ўша жойдан келади.*

*Эй дилбарим, илҳомим ёнимда ширин сўзлаб,*
*Қалбимга севинч солган сендек ойдан келади.*

## ОНАДИР

*Бу дунёда, дўстларим, улуғ инсон онадир,*
*Фарзандларнинг бошига тенгсиз посбон онадир.*

*Бир парча этдан катта қилмоқлик осон эмас,*
*Ниҳолларни мевали этган боғбон онадир.*

*Қучоғида гўдаклар улғаяди шод-хуррам,*
*Кўнгилларни ёритган зўр чароғбон онадир.*

*Катта гуноҳ қилсанг ҳам кечиради у, Тўра,*
*Азиз болаларига энг меҳрибон онадир.*

**Тўра ЖУМАН.**

# ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ! ПОЧТА ҚУТИЛАРИ ХУСУСИДА

Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига ғамхўрлик кўрсатиш борасида «Тошкент почтамти» томонидан шаҳарда хатларни ташлаш учун 500 дан ортиқ почта қутиси ўрнатилган. Хатлар почта қутиларидан ҳар куни йиғиб олинади. Ҳозирги пайтда уларни янада янгилари билан алмаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бироқ, айрим фуқаролар ҳамда фирма, кичик корхона ва бошқа ташкилотлар қутиларга ҳар хил эълонларни ёпиштириб кетмоқда. Гарчи, улар почта ходимлари томонидан шу куннинг ўзидаёқ олиб ташланаётган бўлишига қарамай, қутиларда елим ҳамда қоғоз парчалари қолиб, уларнинг ташқи кўринишини бузмоқда. Барчага яна бир бор эслатиб ўтамизки, почта қутилари фақат хат ташлаш ва аҳолига қулайлик туғдириш учун мўлжалланган.

«Тошкент почтамти» АЖ

## ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!!!
## ХОРИЖИЙ ФИРМАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ!!!
## ХОРИЖИЙ КОМПАНИЯЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИ!!!

Тошкентнинг қоқ марказида, Сайилгоҳ кўчасида замонавий "Пойтахт савдо мажмуаси"нинг қурилиши тугалланмоқда. Савдо мажмуаси 3 қаватли биносининг умумий майдони 30 минг кв. метрдан ортиқ, 500 автомобилга мўлжалланган ер ости тўхташ жойига ҳам эга.



**Сиз ноёб имкониятга эга бўла оласиз**

Ҳозирги вақтда мажмуада пардозлаш ишлари олиб борилмоқда, бу эса Сизга ижарага олинадиган хоналарни ўз хоҳишингизга қараб пардозлаш ва безашда қатнашиш имкониятини беради.

Тошкент шаҳридаги энг нуфузли мавзенинг марказида "Пойтахт савдо мажмуаси" биносида исталган ҳажмдаги хонани ижарага олишингиз мумкин.

Ижарага олинадиган хоналарда савдо ва хизмат кўрсатиш турлари чекланмаган, сиз қуйидагиларни ташкил этишингиз мумкин:

* турли товарларни (озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат моллари, уй-рўзғор моллари, сантехника, мебель, гуллар, эсдалик буюмлари, заргарлик буюмлари ва ҳоказолар) сотиш учун савдо заллари;
* аҳолига кўрсатиладиган хизматлар (гўзаллик салонлари, суратхоналар, кимёвий тозалаш, сартарошхоналар, турли техникани тузатиш ва уларга хизмат кўрсатиш ва ҳ.к.)
* тиббий хизматлар, дорихоналар
* ўйин автоматлари, видео, компьютер заллари, бильярдхоналар
* барлар, қаҳвахоналар, ресторанлар
* дискотекалар ва турли шоулар, артмарказлар
* ижарага бериш (тўй либослари, техника ва ҳ.к.)

**Маълумотлар учун тел.: 1337917**

Савдо, хизмат кўрсатиш ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш департаменти

## «ТОШМАРГЁҒ»

**акционерлик жамияти мухосаба баланси 1999 йил 1 январга**

| т.р. | Кўрсаткичлар | Кўрсаткичлар ҳолати (минг сўм) |
|---|---|---|
| 1. | Узоқ муддатли активлар | 229974 |
| 2. | Айланма активлар | 761052 |
| - | Жами активлар | 991026 |
| 3. | Ўзлик маблағларининг манбалари | 572056 |
| - | Шу қаторида Устав фонди | 48487 |
| 4. | Мажбуриятлар | 418970 |
| - | Баланс пассиви бўйича жами | 991026 |

## «ТОШМАРГЁҒ»

**акционерлик жамияти молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи 1999 йил 1 январга**

| т.р. | КЎРСАТКИЧЛАР | КЎРСАТКИЧЛАР ҲОЛАТИ (минг сўм) |
|---|---|---|
| 1. | Маҳсулот сотишдан тушган тушумлар: | 3238916 |
| 2. | Асосий фаолиятнинг молиявий натижаси | 173001 |
| 3. | Умумий хўжалик фаолиятининг молиявий натижаси | 448840 |
| 4. | Ҳисобот йил бўйича тақсимланмаган соф фойда | 138700 |

Молиявий хўжалик фаолияти текширувини «Мирғайратаудит» аудиторлик фирмаси ўтказди (лицензия № 138 3 июль 1996 й.)

**ДИРЕКЦИЯ**

## « ТОШКЕНТ ОҚШОМИ »

*Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади. Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.*

***Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09. МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204 -ХОНА.***

## *ТАБРИКЛАЙМИЗ!*

*Азиз ойижонимиз Зуҳра Оқилова! Сизни туғилган кунингиз билан чин юракдан муборакбод этамиз.*

***Оила аъзоларингиз номидан келинингиз СЕВАРА.***

Халқободдаги 30 сотихли, газлаштирилган 4 хонали уйни квартирага қўшимча пул тўламасдан **АЛМАШТИРАМАН** ёки **СОТАМАН**.

Телефон: 105-51-45.

* * *

Оқтепада жойлашган уч хонали таъмирдан чиқарилган квартира ва «Иттифоқ»да жойлашган пойдевор қўйилган 8 сотихли ер участкаси **СОТИЛАДИ**.

Телефон: 45-04-04.

* * *

2 ва 3 хонали квартиралар **СОТИЛАДИ**.

Телефон: 64-95-45.

* * *

Угом дарёси бўйида жойлашган дала ҳовли **СОТИЛАДИ**.

Телефон: 8 (271) 6-10-38.

* * *

«Senao-868» радиотелефони ва 10-20 километр масофани оладиган радиотелефон **СОТИЛАДИ**.

Телефон: 68-34-86.

Тошкент шаҳридаги 222-мактаб томонидан Гульчеҳра Шамсутдиновна Самарова номига берилган ОР-Д № 455693 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Тошкент оқшоми» газетасининг 1999 йил 23 апрель сонида берилган эълондаги «Сирғали туман 2-сонли нотариал идора» сўзларини «Ҳамза туман 4-сонли» деб ўқилсин.

# ЖАВОҲИРЛАР САНДИҒИ

*Донишмандлар хазинасидан*

## СОЛИҲ НАВЖУВОН САРГУЗАШТИ

**(Давоми. Боши газетанинг 49-сонида).**

Сиймона жоду келиб ул лавҳни малика устидан олди, малика ҳушига келди. Сиймона жоду маликанинг оёғига бош қўйиб, эй кўзимни нури ва эй дили жонимни сарвари токай фироқ ҳижронида куярман, висолингдан асло меҳрибонлик қилмадинг деб, таваллолар айлади. Малика кулиб, ноз-карашмалар бирлан шароб бўлса эрди, андак беҳижоб бўлур эдик деди. Жоду тавозеълар бирлан дарҳол бир неча шиша шаробни ҳозир айлади. Малика пиёлани қўлига олиб маъшуқалик фунунида пиёла тутиб дедиким, бу маҳбубонадур, жоду нўш айлади. Секин-аста кетма-кет қадаҳ тутиб жодуни сархух айлади. Малика қўлларини жодунинг бўйнига ҳамойил қилиб дедиким, эй ғамгузорим жодуларнинг жони бўлак жойда бўлур эрмиш, бул сўз нечукдур? Сиймона жоду ори, бу сўз ростдур деб, жавоб берди. Шул сабабдин жодуларни ҳеч ким енгаолмас. Агар шундай бўлса, сизнинг жонингиз қаердадур? деб сўради малика. Бу сўздан Сиймона жоду дарғазаб бўлиб қизарди. Малика маъюслик билан дедиким, эй жодулар бошлиғи ҳозир ғазабнинг вақти эмасдур, шу аҳволда яна висол орзусини қилурсиз. Билурсизки, бу ерда менга сиздин бошқа маҳрами асрор йўқдур. Жоду кўрдики, айш-ишрат учун бундай фурсат қайта муяссар бўлмағай, бинобарин, Сиймона жоду бироз ғазабдан тушиб дедиким, мунча паришон бўлмоқни ҳожати йўқдур. Қулоқ солғил, мен баён айлай деб, сўз бошлади. Мазкур бешада бир солхўрда (улуғ ёшлик) улуғ дарахт бордур, мана бу ўқ-ёйни олиб дарахт остига борилса, дарахтга бир қарға келиб қўнур ва уч маротаба Сиймонаи жоду деб, овоз айлагай. Тўртинчига қўймасдан ул қарғани урса, қарға йиқилган ерни ковласа бир пўлат сандиқча (қутича) чиқади, калити ўзида. Ани ичида бир таъвиз табаррук бордур, ҳазрат Сулаймондин ёдномадур. Ул таъвизни олиб юқори қараб юрса бир гирдоб бордур ва бир улуқ дарвоза зоҳир бўлгай. Ул таъвизнинг шарофатидан дарвоза очилиб, қирқ зина бирлан чироқ ёқиб тушса яна бир гумбаз бордур. Унинг юқорисида бир темир қафас бордур. Ул қафаснинг ичида бир қумри бордур. Ул қумрини олиб эҳтиёт билан бошини узиб ташласа, мен нобуд бўлурман. Агарда ул қумри қўлидин чиқиб кетса у нобуд бўлур. Шул сабабдин бизларни ҳеч ким ўлдиролмас деди.

Малика жодудан бу сўзларни эшитгач унга қараб, шу кунларда кўп дилгир бўлибдурман. Қаҳқаҳа отлиқ бир гул бордур. Агар шу гулни топиб келтирсангиз, сўнгра сизга мўътий ва фармонбардор бўлур эрдим деди. Қаҳқаҳа гули жангали мозандарондадур, жодуларга бир ойлик масофа, бошқаларга эса олти ойлик йўлдур деди, Сиймона жоду у лавҳни яна маликанинг тепасига осиб, ўзи эса Мозандаронга равона бўлди.

Эртаси Солиҳ навжувон келиб лавҳни маликанинг бошидан олиб қўйди. Малика яна ҳушига келиб Солиҳга боқиб, эй Солиҳ навжувон ул жодуни ҳалок айламоқ мушкулдур. Энди ўз йўлингга борганинг яхшироқдур деди. Солиҳ маликага жавобан агар бир жон бўлса сенга фидо қилмоққа аҳд айлагандурман, то жон борича ҳаракат қилурман деди. Малика кўрдиким Солиҳ рост айтадур, эй Солиҳ ана ўшал бешада бир дарахт бордур деб, Сиймона жодудан эшитган сўзларини батафсил тушунтирди ва Сиймона жодунинг ўқ-ёйини берди. Солиҳ навжувон лавҳни маликанинг боши узра қўйиб, беҳуш қилиб йўлга равона бўлди.

Солиҳ навжувон бешага бориб, дарахт остига етиши бирлан бир қарға пайдо бўлди. У дарахтга қўниб уч марта «ё Сиймона жоду» — деб, овоз чиқарди. Солиҳ қўлига ўқ-ёйни олиб, қарғани нишонга олиб ўқ узди. Қарға ерга йиқилди. Ул ерни ковлаб қутичани олиб, ичидан таъвизни қўлига олди. Солиҳ у ердан юқори томон юриб гирдобни ҳам топди. Ул таъвизнинг шарофатидан ул дарвоза ҳам намоён бўлиб очилди. Ул зулмат ичига чироғ ёқиб кирди ва қасри рахомга етиб, ул темир қафасни очиб, эҳтиётлик билан ичидан қумрини олиб бошини узиб ташлади. Шу аснода ҳар хил овозлар пайдо бўлиб, «ҳай дариғ» — деган овозлар ҳар тарафдан келар эрди. Сиймона жоду ҳам етиб келиб, «ҳай дариғ» етти юз йиллик ҳунарларим зоеъ бўлди деб, жон таслим қилди.

Андак замон ўтиб, олам аслига келди. Сиймонанинг жасадини туфроққа топширди. Шундан сўнг Солиҳ маликанинг қасрига келиб ул лавҳни ташқарига олиб чиқиб қўйди, малика ҳушига келди. Солиҳ бошдан-оёқ қиссани баён қилди. Малика Солиҳ навжувоннинг оёқ-қўлларини ўпди ва энди ғам емагил мурод сенинг билан дур деб, бир ўт ёқиб сочининг толасидан бир-иккисини оловга ташлади. Дарҳол дев ва парилар лашкари даста-даста бўлиб пайдо бўлдилар. Маликанинг отаси шоҳ пари ва онаси моҳпари, хешу ақраболари ҳаммалари ҳозир бўлдилар. Барчалари бир-бир сўрашиб бўлғондин сўнгра малика Солиҳ навжувоннинг саргузаштини изҳор айлади. Ҳозир турган барча дев парилар Солиҳни муборакбод қилдилар. Сиймона жодунинг етти юз йиллик сеҳрларини ғорат айладилар. Солиҳ навжувон билан маликани кўтариб Фарангиз бону ҳузурига етказдилар. Бу икки маликанинг бири ойга, иккинчиси қуёшга ўхшарди. Улар бир-бири билан узоқ кўришдилар ва нафасларини ростлаб олишгач, Солиҳ навжувонга табассум билан қарадилар. Солиҳ навжувон таажжуб қилиб маликадан савол қилдиким, сизлар қачон бир-бирларингизни кўриб, қадрдон бўлгансизлар? — деди. Фарангиз бону жавоб бердиким, мен таваллуд топган чоғда парилар шоҳи ният айлабдурки, агар шул фарзандим баробарида яъни бир вақтда одамизод шоҳидин фарзанд вужудга келса, бири ўғил ва бири қиз бўлса иккови жуфт бўлғай. Агар баробар ўғил бўлса биродар бўлғай ва агар иккаласи ҳам қиз бўлса дугона бўлғай. Ҳар икковини бир одамнинг никоҳига киритурмиз деб, париларнинг улуғларини гувоҳ қилиб, аҳду паймон айлаган эканлар. Онамнинг ҳамалидан парилар хабар топиб, шоҳларига маълум қилган эканлар. Онам Санобар дарахти остида мени туғибдурлар. Парилар шоҳининг маликаси ҳам қиз туғибдур. Менга Фарангиз бону, ул қизга Лаълия бону деб ном берибдилар. То ўн ёшгача гўёки бир ерда эдик. Бу дугонам Сиймона жоду домига илинди. Кўп муддатлар ўтиб оллоҳ таолло сени еткурди, ушбу сабаблар билан яна топишдик. Энди, эй Солиҳ навжувон ушбу Лаълия бону ҳам сенинг никоҳингда бўлғай, хотиржам бўлғил деди.

Бул кеча ўтди, Солиҳ маликалардан жавоб олиб, икки дона лаъл порани олиб шоҳ даргоҳига еткуриб пешкаш айлади. Шоҳ зоҳиран шод бўлиб, саруполар инъом қилди. Солиҳ уйига қайтиб келди. Бул кеча ҳам ўтди, эрта билан яна саломга борур бўлди. Тўсатдан Фарангиз бону паришон хотир бўлиб, дили ғаш бўлди. Солиҳ навжувон ҳам паришон хотирликка учради. Лаълия бону дедиким, бул паришонликни сабаби недур? Фарангиз бону дедиким, шоҳнинг авзойи ўзгарган кўринадур. Солиҳ навжувонга бирор зиён еткургай. Лаълия бону дедиким, шоҳнинг қадди бўлғаймуким, Солиҳ навжувоннинг бир тола мўйини кам қилурга деб, дев-парилар лашкарини барчасини Солиҳга фармонбардор қилди. Агар Солиҳ навжувонга бир зарар етгудек бўлса зеру-забар қилинглар деб, буюрди. Солиҳга дедиким, ҳеч хавф-хатарсиз борғил, яна беш-олти дона лаъл порадин ёнингга олгин. Агар бирор ҳодиса рўй бергундек бўлса, ушбу махфий лашкарларга ишорат айлагил, ана ундан кейин тамошо қилғил деди.

Алқисса, Солиҳ навжувон деву пари лашкари билан шоҳ саройига борди. Солиҳ навжувон саройга боргунча, шоҳ бошлиқ аъёнлар машварат қилиб, Солиҳни муйитаҳам айлаб, ўғри қилмоққа аҳд қилган эдилар. Солиҳ салом айлаб ўз жойига ўтирди. Шоҳ дедиким, эй Солиҳ ул лаъл париларким сен менга бердинг, улар менинг хазинамдин йўқ бўлиб эрди, сен ўғри киши экансан деди. Солиҳ дедиким, ул йўқ бўлган лаъл поралар неча дона эрди? Шоҳ дедиким, тўрт дона эрди. Солиҳ қўйнидин беш дона лаъл олиб шоҳнинг олдига қўйди ва шоҳга қараб, бул лаъл пораларни кимнинг хазинасидан олибдурман деди. Шоҳ дарғазаб бўлиб, қаршилик қилдинг, гуноҳкор бўлдинг деб, жаллодни чақириб Солиҳни пора-пора қилгин! — деди. Солиҳга кимки қўл узатса боши танидан жудо бўлиб берди. Солиҳ дев-париларга қараб, фитнанинг боши шоҳдир, шоҳни урринглар! — деди. Шоҳ икки пора бўлиб, тахтнинг устига йиқилди. Қолганлар Солиҳ навжувоннинг оёғига бош қўйиб тавба қилдилар. Солиҳ уларни авф айлади. Солиҳни бош тож кийдириб, тахт устига ўтқазиб муборакбод айладилар. Солиҳ навжувон хазиналар эшигини очиб, шаҳар халқига инъомлар берди. Икки маликани шоҳона қасрга олиб келиб, тўйлар қилиб берди. Дев ва парилар лашкарларига ўзгача тўй қилиб, анча кунгача тўй-томоша аримади. Лаълия бонуни ҳам ўз никоҳига киритди. Улар қолган умрларини шодлик ва хуррамлик билан ўтказдилар. Ниҳоят, улар ҳам бирин-кетин бу оламдан ўзга оламга сафар қилдилар. Ул тожу тахтлар бўлак одамларга насиб қилди. Мазкур ҳикоя улардан хотира сифатида жаҳон сафҳасида қолди. Ушбу ҳикоя оқил ва доноларга ибратдур, аммо сўз илғамас қора кўнгулларга бекорчи афсонадур.

**Турғун ФАЙЗИЕВ**
**тайёрлади.**



*Инсоннинг маънавиятини юксалтиришда, ҳаётда ўз ўрнини топишга кўмаклашишда, уни камолот чўққисига етказишда китоб асосий омилдир. Шунинг учун ҳам ёш авлодни ҳали гўдаклигиданоқ китобга ошно қилиш уларни етук инсонлар қилиб тарбияланишларига замин бўлади.*

*Равиль Альбеков олган сурат-лавҳаси.*

**Шарқ дурдоналари**

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

• Ҳикоят. Луқмони ҳакимдан:

— Нега ҳадеб ўғлингга насиҳат қилаверасан? — деб сўрашди.

У эса жавобига шундай деди:

— Кексаларнинг насиҳатлари ёшлар учун боғбон ниҳолни тарбият қилгани кабидир. Боғбон ниҳолдан ўсиб чиққан номуносиб шохларни бутаб туради, ён-атрофида эса фойдасиз гиёҳларнинг ўсиб чиқишига йўл қўймайди. Унинг яхши ўсиши учун бутун кучини сарфлайди. Шундай қилинса ниҳол бақувват бўлиб ўсади. Катта бўлганда ширин-шакар мева қилади. Бордию, ортиқча шохлари кесиб турилмаса, ниҳол тез ўсиб етилсада, яхши ҳосил бермайди, боғбонга эса ундан фойда кам бўлади. Демак, билингки, бола ҳам худди ниҳолнинг ўзидир. Агар у тарбият қилинмаса, ёмон феълларга мубтало бўлади ва фалокат хашаклари ўртасида сўлиб битади!

***Боғбондан парвариш кўрмаса ниҳол,***
***Улғайиб ўсолмас, тополмас камол!***

***ХУРРАМИЙ.***

• Эй йигит! Ён-атрофингга қара, манман деган забардаст кишилар ажал шарбатини ичмоқдалар. Куни келиб сенга ҳам бу косани сипқариш навбати етади. Шундай экан азиз умрингни ғафлат билан ўтказсанг бундан ҳам оғирроқ шармандалик ва нобакорлик бўлмайди!

• Эй азиз, сен панду насиҳатларга қулоқ солсанг ва улардан ибрат олсанг, яхшилаб амал қилсанг, дилинг доимо шод бўлади, кундан-кунга ўсаверасан!

— Айтишларича, Луқмони ҳакимнинг олдига бир гуруҳ кишилар меҳмон бўлиб келди. Ундан ҳикматга оид нарсалардан сўрашди. Шунда келганлардан бири:

— Эй ҳаким, сен фалон ерда чўпонлик қилган киши эмасмисан? — деб сўраб қолди.

— Ҳа, ўша чўпонман, — жавоб берди Луқмон, — ҳозир кўриб турибсанки ҳакимман.

— Бу даражага қандай эришдинг? — сўради яна у.

Луқмони ҳаким унга:

— Тўғри сўзлашдан, одамларга яхшилик қилишдан, омонатга хиёнат қилмасликдан, ёлғон сўзламасликдан, беҳуда гапирмасликдан, мусибат ва қийинчиликларга мардона чидашдан, ўзимни барчадан кам олишдан! — деб жавоб берди.

***Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ.***

• ҲИКМАТ. Киши ўз ёрини ағёр билан кўргандан кўра жудолик меҳнатини тотгани афзал. Байт:

***Умрбод жудолик кўрганим афзал,***
***Сени ўзга билан кўрган замоним!***

• Уч кишини уч жойда таниш мумкин. Мулойим одамни ғазаб келганда, ботир одамни жанг майдонида, ҳақиқий дўстни ҳожат тушганда.

• ҲИКМАТ. Уч хислатга эга бўлмоқ олий даражага етмоқдир. Биринчи, сенга ситам қилган кишини кечирмоқ. Иккинчи, сенга ёмонлик қилган кишини ёмонлаб юришдан тийилмоқ. Учинчи, ёмонлик қилганга яхшилик қилмоқ! Байт:

***Меҳрсиз, гиначи душман дилини,***
***Тўлдирсанг мумкиндир сен эҳтиромга.***
***Овчини кўргилу ибрат ол ундан,***
***Дон билан қушларни туширар домга!***

***Муиниддин ЖУВАЙНИЙ.***

• Бир кимсага катта яхшилик қилган бўлсанг уни кичик деб бил, биров сенга яхшилик қилган бўлса уни катта деб бил!

• Насиҳатнинг яхшиси шундайки, у одамни ёмонликдан узоқлаштиради.

• Насиҳатчининг калтаги ёмон одамнинг саломидан афзал.

• Бугун ейишга нарсаси бўлмаган одам сендан нон нася олса унга раҳм қил, аммо гўшт нася олган одамга шафқат қилма. Биринчиси ҳақиқий ночор, иккинчиси эса нафс бандасидир.

• Ўз дардини табибдан яширган одам ўз-ўзига хиёнат қилган бўлади.

***«Аталар сўзлари»дан.***

**Форс, араб тилларидан Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржималари.**



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 209

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-0357. Босмага топшириш вақти 11.30 1 2 3 4 5 6